



# Халқ сўзи

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 29 август, № 176 (8799)

Пайшанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ОЛИМПИАДА ҚАҲРАМОНЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 август куни XXXIII ёзги Олимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари билан учрашди.



Тадбирда Миллий олимпия қўмитаси ва спорт федерациялари раҳбарлари, мураббийлар, спортчиларнинг ота-оналари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам қатнашди.

Маълумки, ушбу Олимпия ўйинлари 26 июлдан 11 августгача Франция пойтахти Париж шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 200 дан зиёд давлатлардан 11 миң нафарга яқин энг кучли атлетлар қатнашди. Ўзбекистон 19 та спорт тури бўйича 90 нафар спортчи билан иштирок

этди. Бу нуфузли мусобақа биз учун том маънода рекордлар, мислсиз ютуқларга бой бўлди.

Давлатимиз раҳбари спортчиларни ушбу улкан тарихий ғалаба билан табриклаб, нутқ сўзлади.

— Сизлар ғоят кескин беллашуларда юксак жасорат ва матонат кўрсатиб 8 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медални қўлга киритганингиз мамлакатимизнинг тараққиёт борасидаги юксак салоҳиятини ифода этадиган ёрқин натижадир. Бу тарихий ғалаба Янги Ўзбекистон ёшлари қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир марта амалда намойиш этди. Мамлакатимиз иштирокчи давлатлар орасида умумжамоа ҳисобида ўн учинчи ўринни, Осиё қитъасида тўртинчи ўринни, туркий ва ислом мамлакатлари ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйича биринчи ўринни эгаллади. Барчамизни қувонтирган бу натижалар Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон бўлмаган ютуқлардир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Учрашувда юқори мартабали меҳмон Ўзбекистон етакчисига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг самимий саломлари ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, маданий-гуманитар ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатлараро ҳамкорликнинг бугунги юксак даражаси алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ва инвестициялар, юк ташиш ҳажми, ишбилармонлик ва сайёҳлик сафарлари сони ортмоқда. Ҳар ҳафта 90 дан ортиқ авиақатновлар амалга оширилмоқда.

Жадал маданий-гуманитар алмашинуви давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди. Тегишли "Йўл харитаси"ни тезроқ қабул қилиш, амалий ҳам-

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ БИЛАН МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР АЛОҚАЛАР ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАНИНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 август куни Туркия Республикаси маданият ва туризм вазири Меҳмет Нури Эрсой бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашувда юқори мартабали меҳмон Ўзбекистон етакчисига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг самимий саломлари ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, маданий-гуманитар ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатлараро ҳамкорликнинг бугунги юксак даражаси алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ва инвестициялар, юк ташиш ҳажми, ишбилармонлик ва сайёҳлик сафарлари сони ортмоқда. Ҳар ҳафта 90 дан ортиқ авиақатновлар амалга оширилмоқда.

Жадал маданий-гуманитар алмашинуви давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди. Тегишли "Йўл харитаси"ни тезроқ қабул қилиш, амалий ҳам-

корликнинг институционал механизмларини ишга тушириш, миллий маданият ва кино кўнрагини ўтказиш, санъат, маданий меросни муҳофаза қилиш, туризм салоҳиятини юзага чиқариш ва бошқа устувор йўналишларда кўшма лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг делегация билан учрашувининг фотосурати.

Ўз.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг делегация билан учрашувининг фотосурати.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПАРИЖДА БЎЛИБ ЎТГАН XXXIII ЁЗГИ ОЛИМПИА ЎЙИНИЛАРИДА ИШТИРОК ЭТГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам ватандошлар! Қадрили спортчи ўғил-қизларим! Хурматли мураббий ва мутахассислар! Сиз, азизларни Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида муносиб иштирок этиб, эришган улкан тарихий ғалабангиз билан яна бир бор чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Дунёнинг 200 дан зиёд давлатидан 11 миң нафарга яқин энг машҳур спортчилар қатнашган ушбу нуфузли спорт анжумани биз учун том маънода рекордлар, мислсиз ютуқларга бой бўлди.

Авалло, мазкур Олимпиадада Ўзбекистон биринчи марта энг кўп таркиб билан, яъни 19 та спорт тури бўйича 90 нафар спортчи билан иштирок этганини таъкидлаш лозим. Айниқса, аёллар кураши, камондан ўқ отиш, сувга сакраш, футбол каби спорт турлари бўйича спортчиларимиз илк бор Олимпия ўйинларида қатнашганини алоҳида эътибор этиш керак.

Жаҳондаги нуфузли "Financial Times" нашрининг таъкидлашича, **Олимпия медаллари, мамлакатнинг спорт оламида эришаётган ютуқлари давлатнинг умумий ривожланиши ва инсоний тараққиёт даражасини билдиради.**

Чиндан ҳам, сизлар ғоят кескин беллашуларда юксак жасорат ва матонат кўрсатиб 8 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медални қўлга киритганингиз мамлакатимизнинг тараққиёт борасидаги юксак салоҳиятини ифода этадиган ёрқин натижадир.

Бундан ҳам, сизлар ғоят кескин беллашуларда юксак жасорат ва матонат кўрсатиб 8 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медални қўлга киритганингиз мамлакатимизнинг тараққиёт борасидаги юксак салоҳиятини ифода этадиган ёрқин натижадир.

миз, деб ният қилган эдик. Лекин фақат ниятнинг ўзи билан чекланмасдан, аввало, бу масалага бўлган қарашимизни ўзгартириб, уч йил давомида қаттиқ ва тинимсиз меҳнат қилдик, спортчиларимиз учун барча шароитларни яратиб, ана шундай юксак марраларни забт этдик.

Чин дилдан интилиб, астойдил ҳар қат қилсак, қўлимиздан келар экан-ку! Албатта, сиз, моҳир спортчилар, тажрибали мураббий ва мутахассислар илгари ҳам кўплаб нуфузли халқроқ мусобақalarda юқори натижаларни қўлга киритгансиз. Ғолиблик, ғалаба туйғуси сизларга бегона эмас. Лекин Олимпиада ўйинларидаги ҳар бир ютуқ, ҳар бир юксак натижанинг ўрни, моҳияти ва аҳамияти беқиёсдир.

Чунки тўрт йилда бир марта ўтадиган бундай йирик халқроқ мусобақада дунёдаги ҳар бир мамлакатнинг спорт соҳасига бераётган эътибори, миллат ва халқнинг жисмоний ва маънавий салоҳияти яққол намойён бўлади.

Бундай улкан аренада энг кучли ва моҳир атлетлар, зўрларнинг зўри иштирокчи давлатлар орасида ғолиб чиқиш, зафар қозониш учун йиллар давомидан тинимсиз машқ қилиш, бор кучи ва маҳоратини сафарбар этиш, пўлатдай мустаҳкам ирода ва матонат кераклигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Шу маънода, **сизлар халқимизнинг чинакам қаҳрамонлари, ботир ўғил-қизлари, Ватанимиз ифтихорларисиз. Барчамиз сизлар билан гуруланамиз!**

Хурматли анжуман иштирокчилари! Бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида юртимиз вакиллари бир қатор рекорд натижаларни қўлга киритдилар. Масалан, дзюдо бўйича бизда илгари олтин медаль бўлмаган эди. Бу сафар матонатли дзюдочиларимиз Диего Келдиёрова томонидан ушбу марра забт этилди.

Не-не полвон қизларни доғда қолдирган бу қаҳрамон спортчимиз ёзги Олимпия ўйинлари тарихида Ўзбекистонлик аёллар ўртасида биринчи марта олтин медални қўлга киритди. Шу тарихи Диега яна бир рекорд ўрнатди. Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида оддий оилада туғилиб воёга ет-

ган бу спортчимизнинг номи дунёга дoston бўлди. Мамлакатимиз ва чет эл матбуоти уни "Оламни маҳлиё айлаган Диега" деб таърифлади.

Яна бир жасур қизимиз — Светлана Осипова эса таэквондо бўйича биринчи кумуш медални эгаллаб, мамлакатимиз аёллар спорт тарихида янги саҳифа очди.

Шу тарихида спортчи қизларимиз битта Олимпиадада илк бор 2 та медални қўлга киритиб, янги рекорд ўрнатишга эришдилар. Мана шундай матонатли, фидойи қизларимизнинг спорт оламидаги жасорати ҳар қандай юксак таҳсинга лойиқдир.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон таэквондо бўйича биринчи марта Олимпия ўйинларида 2 та медални қўлга киритди. Шу тарихида терма жамоамиз ўз тарихидаги энг яхши натижани қайд этди ва умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллади.

Айниқса, моҳир спортчи ўғломимиз Улуғбек Рашитов Олимпия ҳаракати солномасида таэквондо бўйича энг ёш тоифада икки қарра Олимпия чемпиони бўлди. Шу пайтгача дунёда фақат 4 нафар спортчи шундай юксак шарафга сазовор бўлган эди. Улуғбек эса бешинчи бўлиб, уларнинг сафидан муносиб ва мустаҳкам жой эгаллади.

У оёғидан қаттиқ жароҳат олганига қарамай, шиддатли финал жангида кучли рақибга қарши мардона жанг қилиб, ғолиб қаҳрамонга айланди.

Мана, бизнинг қандай шерюрак ўғлонларимиз бор!

Шу билан бирга, бу галги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон дзюдо бўйича ўз тарихида энг кўп медаль олганини айтиш ўринлидир.

Бокс бўйича миллий терма жамоамиз олтин медаллар сони бўйича мамлакатимиз тарихида Олимпия ўйинлари рекордини янгилади ва умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Эрақлар ўртасида еттинчи олтин медалнинг бештасини — эътибор беринг, бештаси — ёки 71 фоизини бизнинг боксчиларимиз қўлга киритдилар.

Бу — чинакам жасорат ва баҳодирлик намунаси эмасми?! ➡

## Кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 август куни Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон — Туркманистон дўстлиги, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Сухбат аввалида Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси давлатимиз раҳбарига Туркманистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг самимий саломини етказди.

Ўзбекистон ва Туркманистон етакчилари икки томонлама алоқалар жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар. Фаол сиёсий мулоқот ва алмашинувлар давом этмоқда, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор суръатлар билан ўсмоқда, иқтисодийнинг турли тармоқларида етакчи корхоналарнинг кооперацияси кучаймоқда.

Мунтазам равишда қўшма маданий-гуманитар тадбирлар ўтказилмоқда.

Сухбат чоғида транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси

## САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 август куни саноат тармоқларида ишлаб чиқариш ва самарадорликни ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Бу йил 7 ойда саноат ҳажми 7,1 фоизга ўсиб, 435 триллион сўмга етди. Электр техникаси, тўқимачилик, чарм ва автомобиль саноатида юқори ўсиш бўлди. Жойларда 1,3 миңта янги қувватлар ишга туширилиб, қўшимча 40 триллион сўмлик ишлаб чиқариш манбаси яратилди.

Лекин ҳамма ҳудуд ва тармоқда ҳам ишлар бирдек эмас. Хусусан, 4 та туманда саноат ҳажми ўтган йилдагига нисбатан камайган, 14 тасида эса ўсиш 2 фоизга ҳам етмайди.

Шу боис жойларда саноат билан корхонабай ишлаш тизимини йўлга қўйилди. Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири шу борада бошланган ишлар ва йил якунигача мўлжалланган режалар бўйича ахборот берди.

Қайд этилганидек, ҳудудлардаги корхоналар

ўрганилиб, муаммолари ҳал қилиб борилмоқда. Жумладан, айланма маблағ, электр ва газ таъминоти, солиқ масалалари бўйича кўмаклашилган. Йил якунигача 30 триллион сўмлик қўшимча ишлаб чиқариш таъминлаш имконияти бор.

Бунинг учун ишчилар сонидан келиб чиқиб, корхоналарга масъулларни бириктириш, тадбиркорларни замонавий ёндашувларга ўқитиш борасида кўрсатмалар берилди. Ҳар бир вилоятнинг саноатга ихтисослаштирилган туманлари бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йирик лойиҳаларни ишга тушириш, давлат ҳаридларида маҳаллий маҳсулотлар улушини кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Ўз.А.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

28 август куни Тошкент шаҳрида Олий Мажлиси Сенати мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик олтинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нурбоева олиб борди. Ялпи мажлиси Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб берилди.

➡



# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Эллик олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Дастлаб Олий Мажлис Сенатининг эллик олтинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тadbirkор" фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.



Ахкамл МҲУАММАДОВ олган сурат.

Қонун билан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тadbirkор" фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди. Қонун билан "Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тadbirkор" фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди. Қонун билан "Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тadbirkор" фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Қонун билан "Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тadbirkор" фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди. Қонун билан "Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тadbirkор" фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Қонун билан "Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тadbirkор" фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди. Қонун билан "Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тadbirkор" фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Қонун билан "Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тadbirkор" фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди. Қонун билан "Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тadbirkор" фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

вожланяпти. Президентимизнинг 2018 йил ноябрдаги тегишли қарори билан тadbirkорликнинг бир тури сифатида мазкур фаолиятнинг ҳам ҳуқуқий асослари яратилди. 2019 — 2023 йиллар мобайнида қimmatбахо металлари олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолияти учун 300 дан зиёд рухсатномалар расмийлаштирилиб, тadbirkорлик фаолиятининг қонунийлиги таъминланган.

Аммо қўрилаган чора-тadbirkорлар қарамадан, қimmatбахо металлари но-қонуний қазиб олиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳамон кузатиляпти. Утган бир йилда қimmatбахо металлари ноқонуний йил орқали қазиб олиш билан боғлиқ 100 дан зиёд ҳолатлар аниқланган.

Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Тошкент вилоятларида жами 79 нафар жисмоний шахсга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилган. Соҳада ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ортиб бориши мазкур қилмишларнинг содир этганлик учун жавобгарликини кўчатиришни тақозо этмоқда.

Шунинг учун ҳам Жиноят кодексида фойдали қазилмаларни қонунга ҳилоф равишда қазиб олиш учун маъмурий жазо қўллангандан кейин такрор содир этганлик учун, шунингдек, фойдали қазилмаларни олтин изловчилар усулида рухсатномасиз қазиб олганлик учун жинойий жавобгарлики назарда тутилган нормалар мустахкамланмоқда.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ер участкалари нўбошимчилик билан эгаллаб олиш, ўзоошимчилик билан эгаллаб олган ер участкаларида қурилиш ишларини амалга ошириш, шунингдек, ер бериш тартибини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан маъмурий баённома тузиш юзасидан ички ишлар органларига зарур ваколатлар берилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун ерни ва ер ости бойлиқларини асраб қолиш ҳамда муҳофаза қилиш тўғриси-

даги қонунчиликка риоя этилишини, шунингдек, мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини таъминлашга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, Сенатнинг 56-ялпи мажлисида муҳокама марказида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига судларда ишларни кўришда прокурорнинг ваколатларини таъминлашга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун бўлди.

Қонун билан суд ишларини юриштишда тарафларнинг тортишуви принципини янада аниқлаштиришга қаратилган тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, давлат манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида судлар томонидан фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишларни кўришда прокурорнинг иштирокига, шунингдек, ишларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан шикоят қилишга тааллуқли процессуал нормалар ҳам оидинлаштирилмоқда.

Қонун билан прокурор давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ва иқтисодий судлардаги ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, давлат мулки, давлатга атқазилган зарарининг ўрнини қоплаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, Давлат бюджетидан ундирувлар, ўзоошимчилик билан қурилган иморатга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш, хусусий мулк сифатида эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш фактини аниқлаш, божона тўловларини ундириш билан боғлиқ ишларда иштирок этиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Шунингдек, прокурор фуқаролик ишлари бўйича судларга давлат манфаатларини ҳимоя қилишга алоқадор масалалар юзасидан ариза билан мурожаат

қилиш ҳуқуқига эга эканлиги қўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича прокурор суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор этилмаган бўлса, прокурор ушбу ишларни суддан талаб қилиб олиб ўрганиши ҳамда улар бўйича протест келтириши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Сенаторлар таъкидлашчи, қонуннинг қабул қилиниши прокуратура органларининг оидил судловни амалга оширишга қўмақлашиш борасидаги фаолияти самарадорлигини янада оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ҳамда давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга, шунингдек, судларда ишларни муҳокама қилишда қонунийликни мустахкамлашга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига коммунал тўловларни суд орқали ундиришда қўлайликлар яратишга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Қонун билан Фуқаролик процессуал кодекси ва "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Унга қўра кўп квартирали уйлари бошқариш органлари ўзлари томонидан аҳолига қўрсатилган хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорлигини ундириш тўғрисидаги давлолар, аризалар ва шикоятлар билан фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий судларга мурожаат қилишда давлат ажolini тўлашдан озод қилинади.

Шунингдек, аҳолининг ортиқча оворагарчилигининг олдини олиш ва оидил судловни таъминлаш мақсадида Фуқаролик

процессуал кодексига ҳам ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий судларга кўп квартирали бадаллар ва тўловларни ундириш бўйича суд буйругини бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишда аризага илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати қатъий белгилаб қўйилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ва тadbirkорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши сўраб судга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатларини янада кўчатиришга, шунингдек, оидил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун маъқулланди.

Сенаторлар томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Мазкур қонун ҳар бир фуқаронинг тенг сайлов ҳуқуқлари кафолатларини мустахкамлаш, "оилавий" овоз бериш ҳолатларининг олдини олиш ва сайлов кампанияларида молиявий операцияларнинг шафдофлигини таъминлашга қаратилганлиги қайд этилди.

Қонун орқали Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида сайлов жараёни билан боғлиқ бўлган айрим тўзатишлар киритилмоқда.

Хусусан, сайлов (овоз бериш) бюллетенларини бериш тартибини бузганлик учун базавий ҳисоблаш микдорининг бир бараваригача миқдорда жарима солиниши белгиланмоқда.

Бундан ташқари, қонун сайловда иштирок этиш учун ажратилган давлат маблағлари юзасидан молиявий ҳисоботларнинг тақдим этиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилашни назарда тутиди. Унга қўра, сайловда иштирок этиш учун ажратилган давлат маблағлари тўғрисидаги оралиқ ёки якуний ҳисоботни сиёсий партия томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд ҳисоботда била турб нотўғри маълумотларни тақдим этиш, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш микдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сенаторлар томонидан ушбу қонун ҳар бир фуқаронинг тенг сайлов ҳуқуқи кафолатларини янада мустахкамлашга, сайлов кампанияси вақтида фойдаланилган Давлат бюджети маблағлари тўғрисида тезкор ва ишончли ахборот тақдим этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, сиёсий партияларнинг Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш

бўйича молиявий ҳисобдорлик масъулиятини кўчатиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенатнинг ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Амалдаги қонун ҳужжатларини янги тахиррдаги Конституцияга мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу қонун янгиланган Конституцияда мустахкамланган тамойилларни амалга оширишга қаратилган бир қатор муҳим тўзатишларни ўз ичига олганлиги қайд этилди.

Хусусан, 26 та қонун ҳужжатининг, шу жумладан, 6 та кодекс ва 20 та қонун нормалари янгиланган Конституциянинг 19-моддасида белгиланган "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мактебидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар" деган қоидага мувофиқлаштирилмоқда.

Шунингдек, мазкур қонун орқали "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонун оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва мустақиллиги ҳамда қонунга мувофиқ иш олиб бориши ҳақидаги норма билан тўзатирилмоқда.

Ҳна муҳим ўзгаришлардан бири Мехнат кодекси ва "Давлат фуқаролик ҳиммати тўғрисида"ги Қонунга қариндошини судланганлигига қараб ишга қабул қилиниши рад этилиши каби камситишларнинг олдини олиш билан боғлиқ ўзгаришлар киритилмоқда.

Сенаторлар томонидан ушбу қонун фуқаролар ҳимоясининг ҳуқуқий кафолатларини янада мустахкамлашга, уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишда, шу жумладан, ишга қабул қилишда тенг имкониятларни таъминлашга, шунингдек, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги кафолатларини кўчатиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Ялпи мажлисда жамият ҳаётининг барча соҳаси ҳуқуқий асосларини мустахкамлашга ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 7 та масала, шу жумладан, 6 та қонун муҳокама қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик олтинчи ялпи мажлиси якунланди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ТАЪСИРЧАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ — САМАРАЛИ ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ОМИЛИ

Аввал хабар берганимиздек, куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир бир қатор қонун лойиҳалари билан бирга, парламент назоратига оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

### Асосланган тушунчалар берилиш зарур

Депутатлар Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги вазирини И. Абдурахмоновга "Яйлов ерларидан самарали фойдаланиш, уларда озукабоб экинларни етиштириш ҳамда пиллачилик соҳасини ривожлантириш мақсадида янги тўзоришни барпо этиш, шунингдек, соҳада кластер тизими асосида иш ўринларини яратиш борасида амалга оширилиётган ишлар тўғрисида" Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида қишлоқ ҳўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш учун қорвчилик соҳасида озукабоб муносабатларини мустахкамлаш, яйлов ерларидан самарали фойдаланиш таъминлаш, пиллачилик соҳасида кластер тизими асосида янги тўзоришни барпо этиш ва 1 миллиондан ортиқ янги иш ўринларини яратиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Президентимизнинг тегишли қарорлари билан эса республикада мавжуд яйлов ерларидан самарали фойдаланиш, ипак ва жунчи қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш борасида аниқ чора-тadbirkорлар белгиланиб, хонадонларда пилла етиштирувчи жисмоний шахсларга республика бюджетий ҳисобидан субсидиялар ажратиш, тўзоришни сугоришда фойдаланилган сув учун солиқ имтиёзларини қўллаш қўрсатиб ўтилган.

Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан мазкур соҳада олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг натижадорлиги устидан таъсирчан парламент назорати ўрнатилиб, со-

ҳани тартибга солишга доир қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро ҳолати назорат-таҳлил тартибида ўрганилиб келинмоқда.

Мазкур жараёнда соҳада эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда, яйлов ерларидан самарали фойдаланиш мақсадида белгиланган айрим тadbirkорларнинг вақтида ва сифатли амалга оширилишида ўз ечимини кутаётган масалалар мавжудлиги кузатилади. Хусусан, 2023 йилгача 10,3 миллион гектар яйлов майдонларида ўтқазилган геоботаник тадқиқотларга қўра, унинг 703 минг гектари деградацияга учраб, қишлоқ ҳўжалиги учун яроқсиз ҳолга келган.

Депутатлар томонидан жойларда ўтқазилган учрашувлар давомидида ишсиз аҳолини пиллачилик кластерларига бирикитириш, пилла етиштириш, даромад топиш бўйича тартибот ишларини олиб бориш ҳамда жунчи қайта ишлашга хўнарамандларни кенг жалб қилиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромадини оширишга қўмақлашиш борасидаги ишлар қоникарли даражада олиб борилаётгани аниқланди.

Мажлисида юқоридагилардан келиб чиқиб, яйловлардан самарали фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, яйловлардан фойдаланишда давлат назорати ҳамда самарали бошқарувни амалга ошириш, яйлов ерларида махсулот етиштиришда агротехник тadbirkорлини олиб бориш, соҳадаги илмий-ишлаб чиқариш марказларини замонавий лаборатория жиҳозлари ва ускуналар билан таъминлаш бўйича бажарилаётган ишлар юзасидан асосланган таъсирчан парламент назорати ўрнатилиб, соҳада олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг натижадорлиги устидан таъсирчан парламент назорати ўрнатилиб, со-

### Ечимини кутаётган муаммолар мавжуд

Мажлисида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирини Қ. Шариповга "Олий таълим муассасалари ва уларнинг қошида "спин-офф" таъриб ишлаб чиқариш қорхоналарини самарали ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида" Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Президентимиз раъбарлигида шу йил 20 июнда ўтқазилган муҳандислик соҳасида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида Олий Мажлис палаталарига олий таълим муассасалари ва уларнинг қошидаги таъриба ишлаб чиқариш қорхоналари ("спин-офф"лар)га товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш ва сотиш учун шартномалар тузиш, маблағ ўтказиш ва уларни ишлатиш бўйича амалдаги қонунларни кескин енгиллаштиришни таъминлаш вазифаси белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, қўи палата депутатлари томонидан олий таълим муассасалари ва уларнинг қошидаги таъриба ишлаб чиқариш қорхоналари ("спин-офф"лар)га товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш ва сотиш учун шартномалар тузиш, маблағ ўтказиш ва уларни ишлатиш бўйича амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш борасида ўрганишлар олиб боришмоқда.

Ушбу соҳадаги қонунчиликни ўрганиш натижасида мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги "2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонида "спин-офф" қорхоналарини ташкил этиш бўйича бир қатор муҳим вазифалар ўрин олган.

Хусусан, 2022 йил 1 августдан бошлаб инновацион махсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишда

ҳудудий тармоқ ташкилотлари инновацияларга бўлган эътиҳлар портфельини ишлаб чиқиш ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тақдим этиш, тармоқ муаммоларининг илмий ечимини таъминлаш бўйича ижрочини илмий/олий таълим ташкилоти (инновацион "спин-офф" компаниясини) танлов асосида аниқлаш ва ушбу компания "1+1" принципи асосида тармоқ ташкилотлари билан бирга ишлаб чиқилган лойиҳаларни молиялаштириши белгиллаб қўйилган.

Аммо таҳлиллар соҳада амалга оширилаётган ишлар билан бирга, ўз ечимини кутаётган қатор масалалар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, олий таълим муассасалари инвестиция жалб қилишнинг жозибадор йўналишларидан бири бўлган "спин-офф" қорхоналарини очиш таърибаси, меъёрий-ҳуқуқий базаси мавжуд эмас. Бу эса илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, ишлаб чиқаришга трансферини амалга оширишга қаратилган "спин-офф" қорхоналарини ташкил этишда қийинчиликларга олиб келмоқда. Шу билан бирга, олий таълим муассасалари қошида очилаётган "спин-офф" қорхоналарига хусусий капитални жалб этиш амалиёти самарали ҳисобланса-да, ҳозирги пайтда тadbirkорлик субъектлари учун инвестициявий жозибадорлик мавжуд эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳозирга қадар ташкил этилган ва самарали фаолият олиб бораётган "спин-офф" қорхоналари, уларнинг қайси мезонга асосан ишлаётганилиги, "спин-офф" қорхона ўзига керакли товарлар (ишлар, хизматлар)ни тўғридан-тўғри харид қилиш жараёнида қандай муаммоларга дуч келаётгани, уларга қандай имтиёзлар бериш мақсадида мувофиқлиги борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан асосланган таъсирчан парламент назорати ўрнатилиб, соҳада олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг натижадорлиги устидан таъсирчан парламент назорати ўрнатилиб, соҳада олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг натижадорлиги устидан таъсирчан парламент назорати ўрнатилиб, со-

«Халқ сўзи».

## Қонунчилик палатаси қўмиталарида ТАШҚИ СИЁСАТНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан "Парламент дипломатияси — Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларининг муҳим омил" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Таъкидланганидек, Олий Мажлисининг халқаро парламент уюшмаларидаги иштироки аниқ фаолият. Хусусан, сўнгги етти йилда Олий Мажлис Парламентлараро Иттифоқ, Мустақил Давлатлар Ҳаммуносабати ва Фуқаролараро Ассамблеяси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеяси каби қатор нуфузли парламентлараро уюшмаларга аъзо бўлиб кирди.

Ўзбекистон Республикаси парламент делегациялари, шунингдек, Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси, Осиё — Тинч океани

парламентлараро форуми, Осиё Парламент Ассамблеяси, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси каби уюшмалар доирасида ўтказилаётган турли тadbirkор ва анжуманлар ишида қўзғувчи мақомида фаол иштирок этиб келмоқда.

Давра суҳбатида сўз олганлар миллий парламент мамлакатимиз ташқи сиёсатининг фаол иштирокчисига айланган, парламент дипломатиясининг географияси кенгайиб, натижадорлиги ошганлигини алоҳида қайд этди.

## ЭКОЛОГИК РЕЙТИНГНИ АНИҚЛАШ БўЙИЧА ҚАНДАЙ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА?

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси экологик вазиятни яхшилаш бўйича ҳар бир туман ва шаҳарнинг "мастер-режа"сини ишлаб чиқиш, ҳудудларда автоматик ҳаво мониторинг станциялари ҳамда пойтахт қўчаларида атмосфера ҳавосининг сифат кўрсаткичларини доимий эълон қилиб борадиган табло ва мониторлар ўрнатилганлик ҳолатини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш янгиларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Қайд этилганидек, ҳар бир ҳудуднинг 2030 йилгача мўлжалланган экологик "мастер-режа"сини ишлаб чиқиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, шаҳарларнинг экологик рейтингини аниқлаш мақсадида "Green city index" услубиёти қабул қилинган.

Мазкур услубиёт асосида 13 та ҳудуднинг маъмурий маркази, Тошкент шаҳрининг экологик индикатор-кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Ушбу шаҳарларнинг экологик паспортлари, 2023 йил учун экологик рейтингни шакллантирилган ва улардан очиқ фойдаланиш имконини берувчи "greencities.uz" онлайн платформаси яратилган. Шунингдек, намуна сифатида Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг экологик "мастер-

режа"сини тайёрлашиб, тақдими ўтказилган. Бугунги кунда Жиззах шаҳрининг экологик "мастер-режа"сини тайёрлаш ишлари олиб боришмоқда.

Йиғилишда депутатлар томонидан соҳада амалга оширилаётган ишлар эътироф этилиб, белгиланган вазифаларнинг ижросида қатор камчиликлар аниқлангани, жумладан, ҳудудларда автоматик кичик станциялар ўрнатилиши кечикаётгани, пойтахт қўчаларида атмосфера ҳавосининг сифат кўрсаткичини доимий эълон қилиб борадиган табло ва мониторлар етарли даражада ўрнатилмагани эътирозларга сабаб бўлди.

Муҳокама давомидида аниқланган айрим камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди.

## ДОЛЗАРЬ ВАЗИФАЛАРГА ОИД ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан "Қонунчилик палатасида Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда Д

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ МЎЪЖИЗАСИ: ЯНГИ БОСҚИЧГА ҚАДАМ

Истиқлол Ўзбекистонга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берди. Мустақиллик имкониятлари туфайли Ватанимизда ҳар бир соҳада бўлаётган янгиликлар одамлар турмушидаги ўзгаришлар, уларнинг юз-кўзидаги мамнулик, бугунги ашаётган кундан розилик ифодаси ўлароқ ҳаётимизда ўз аксини топмоқда.



Миср, шунингдек, Жануби-Шарқий Осиё, Европа Иттифоқи, МДХ, Яқин Шарқ мамлакатларидан 2,5 мингдан зиёд йирик инвестор ва юқори мартабали меҳмонлар катнашди. Бундай тадбирлар иқтисодий ва шартномалар имзолашда катта роль ўйнамоқда.

Шу ўринда 2016 йилдан аввал мамлакатда вужудга келган ҳолатни холисона эслаш керак. Кўп йиллар мобайнида журъатсизлик туфайли дадил қадамларни ташламасдан, муаммолар ечимини пайсалга солиб, реал вазиятни очик айтишдан қўриқиб, бекитиб юрилди.

Ҳали, унда том маънода инсон эҳтиёжларини таъминлаш бош мақсадга айланган. Ўзбекистон ташқи сиёсати ҳам батамом янги характерга ва янги мазмунга эга бўлди. Чинакам миллий манфаатларни илгари сурувчи ташқи сиёсат вужудга келди.

Мустақиллик — тақдиримизда

Биргина иқтисодиёт соҳасини олайлик. Иқтисодий башоратларга кўра, 2024 йилда Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиё минтақасида иқтисодиёти энг тез ўсётган бешта давлатдан бирига айланади.

Европа ва Яқин Шарқдаги уруш оқибатлари, истеъмол маҳсулотларининг беқарор нархи, глобал бозордаги сусайиш, давлат бизнеслари ва хусусий тадбиркорлик объектларининг молиявий қийинчиликлари иқтисодиётга кучли таъсир қилмаганида Ўзбекистон аллақачон 8 — 10 фоизлик ўсишга эришади.

РЕКЛАМА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ 2025 ЙИЛ УЧУН ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА, ДОКТОРАНТУРА, СТАЖЁР-ТАДҚИҚОТЧИЛИККА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Table with 4 columns: №, Ихтисослик шифри ва номи, DSc, PhD, Стажёр. Lists various fields like Economics, Law, and IT.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 304-қарорига мувофиқ таянч докторантура, докторантура, стажёр-тадқиқотчиликка қуйидаги ҳужжатлар топширилиши сўралади.

лаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси, чоп этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камда 2 та тезис), тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси (асоснома), «В2» даражасидаги хорижий тилни билишини тасдиқловчи миллий ёки халққаро тан олинган сертификат.

ТАМАКИ БОЗОРИДА ТЎҒРИ ИШ ЮРИТИШ ШАРТЛАРИ

Шу йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистонда ноқонуний тамаки маҳсулотни айланмасининг олдини олишга қаратилган янги чоралар кучга киради. Президентимизнинг жорий йил 3 июндаги «Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари бозорини тартибга солиш ҳамда уларнинг ноқонуний айланмасининг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ белгиланган тартибга кўра 2024 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали тамаки маҳсулотни транзакциясига қуйидаги талаблар жорий этилади:

Пойтахтимиздаги «Saxovat Sport Servis» спорт мажмуасида эркалар ўртасида теннис бўйича «Grand Palace Cup» халқаро турнири ўтказилмоқда.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper with contact information for editor Utkir Raxmatov and subscription details.